

# Ёлғон ибодатларга футур етказади



19:02 / 22.03.2018 4747

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг таоми ва шаробини тарк қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Ислом дини ва таълимоти бўйича, мусулмон инсон доимо тилини ёмон сўзлардан, беҳуда гаплардан тиймоғи лозим. Рўзадор мусулмон учун эса бу таъкид яна ҳам кучли бўлади. Уламоларимиз ушбу ҳадисдаги «ёлғон гапириш»га ғийбатчилик, чақимчилик, ифво ва бўҳтонлар, шунингдек, Аллоҳ таолонинг ва Унинг Расулининг норозилигига сабаб бўладиган ҳар бир иш киришини таъкидлайдилар.

Демак, рўза тутган одам ўзини нафақат таом ва шаробдан, балки номаъкул гап-сўз ва ишлардан ҳам тиймоғи лозим. Зотан, ўзини таом ва шаробдан тийиб туриб, ёлғон, ифво, чақимчилик, ғийбат, бўҳтон сўзларни гапираверидан, ношаръий ишларни қилаверидан нима фойда бор? Ёки унинг оч қолиб, чанқаганига Аллоҳнинг эҳтиёжи борми?

Афсуски, ҳаётимизда бу ҳақиқатни унутиб қўямиз. Ичимизда рўзани тутиб олиб, кун бўйи беҳуда гап-сўзлар, ишлар билан машғул бўладиганлар, ҳатто мусулмонларнинг устидан ғийбат, чақимчилик, бўҳтон қиладиганлар йўқ эмас. Мусулмон одам ёлғон сўз ва унга амал қилиш рўзанинг савобини бутунлай кетказишини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Шу ўринда дин бўйича босим кўтарилиб, одамлар ўз ихтиёрлари билан Исломга қайтаётган пайтда бўлиб ўтган бир ҳодиса ёдга тушади. Олий ўқув юртларида узоқ вақт раҳбар лавозимларда ишлаб келган, илмий унвон соҳиби бўлмиш бир киши Рамазондан кейин ҳам рўза тутиш лозимлигини қайта-қайта такрорлар, уламолардан қайси кунларда қандай рўза тутилишини тушунтириб беришларини сўрар эди. У кишидан нима учун бу масалага қизиқиб қолгани сўралди.

«Очиғини айтсам, бу йил биринчи марта тўлиқ рўза тутдим, – деди у ва ўз гапида давом этиб, қуйидагиларни айтди: – Рўзанинг фойдаси жуда ҳам кўп экан. Бунини мен ўз тажрибамда ҳис қилдим. Ибодат, тақво, соғлиқ масаласида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси маълум. Рўзанинг одамлар билан бўладиган муомалада ҳам фойдаси кўп экан. Илгарилари иш битириш учун ёлғон-яшиқни гапираверардик. Рўза тутган одам эса ёлғон гапира олмай қолар экан. Ҳатто бир оғиз ҳам ёлғон гапирмай қўйдим. Роса ёлғон гапириб, иш битириб кетиш пайти келганда ҳам «Рўза оғзим билан ёлғон гапираманми» деб, ўзимни тўхтатиб қоляпман. Менимча, Рамазондан кейин ҳам вақти-вақти билан рўза тутиб турилса, шу ҳолатни сақлаб қолишга ёрдам берса керак».

Ҳа, бу гапларда жон бор эди. Бу нарсага алоҳида эътибор бериш керак. Диний илмлардан узоқ, лекин дунёвий фанлар бўйича илмий унвони бор киши бир ой рўза тутиб, шунчалик ҳолатга келган бўлса, демак, мутахассис уламолар рўза борасида режали илмий изланишлар олиб борсалар, бундан ҳам самарали натижалар чиқиши турган гап.

Дарвоқе, Ислом шариатида нафл ибодатлар қаторида нафл рўза ҳам жорий қилинган. Албатта, бу бежиз эмас. Ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари, ҳар ойнинг уч ойдин кунлари, Ашуро куни, зулҳижжанинг

биринчи-тўққизинчи кунлари, шаъбон ва шаввол ойларида рўза тутиш шулар жумласидандир. Ислонда ушбу кунларда рўза тутиш фарз қилинмаган бўлса-да, шунга тарғиб қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кунларда рўза тутишни суннат қилганлар.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Ёлфон китобидан)*